

**“ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ
МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ МУҲАНДИСЛАРИ
ИНСТИТУТИ” МИЛЛИЙ ТАДҚИҚОТ УНИВЕРСИТЕТИ**

ТАЪЛИМ СИФАТИНИ БАҲОЛАШ ТИЗИМИ.ТАШҚИ БАҲОЛАШ

РЕЖА:



1. Таълим сифатини баҳолашнинг зарурияти ва узига хос хусусиятлари

2. Таълим сифатини баҳолашнинг асосий тамойиллари.

3. Таълим сифатини баҳолаш шакллари

4. Назорат турлари ва уни амалга ошириш тартиби.

Баҳолаш - таълим жараёнининг маълум босқичида ўқув мақсадларига эришилганлик даражасини олдиндан белгиланган мезонлар асосида ўлчаш, натижаларни аниқлаш ва таҳлил қилишдан иборат жараёндир.

Таълим оловчилар томонидан ўқув материаллари ўзлаштирилганлигини, кўникма ва малакалар ҳосил бўлганлигини текшириш ва баҳолаш таълим жараёнининг зарур таркибий қисми ҳисобланади. Бу фақат ўқитиш натижаларини назорат қилиш эмас, балки ўқув жараёнининг турли босқичларида таълим оловчиларнинг билиш фаолиятига раҳбарлик қилиш ҳамдир.

Нимани баҳолаш керак?

- ❑ Назарий билимларни;
- ❑ амалий кўникма ва малакаларни;
- ❑ ҳулқ-атвор ва шахсий фазилатларни.

Қачон баҳолаш керак?

- ❖ Таълим жараёни бошида (бошланғич баҳолаш);
- ❖ таълим жараёни давомида (жорий баҳолаш);
- ❖ таълим жараёни якунида (якуний баҳолаш).

Нима учун баҳолаш керак?

- Ўқув мақсадларига эришилганликни аниқлаш учун;
- кейинги босқичга ўтишдан олдин аввалги ўзлаштириш даражасини аниқлаш учун;
- натижага эришганлигини тасдиқлаш учун;
- таълим олувчиларнинг қизиқишларини аниқлаш учун;
- ютуқ ва камчиликларни аниқлаш учун;
- таълим берувчи ўз фаолиятига тузатишлар киритиши учун;
- ялпи ўзлаштириш даражасини аниқлаш учун;
- таълим жараёни ютуқларини аниқлаш учун;
- таълим олувчиларни ютуқларга қизиқтириш учун;
- ташқи қизиқувчиларга, иш берувчиларга, юқори ташкилотларга ва ота-оналарга маълумот бериш учун.

- Ўз соҳаси бўйича зарурий билим, кўникма ва малакаларга эга бўлиш.

Билим,
кўникма,
малака

- Соҳага оид билимларини доимий равишда мустақил ошириб бориш.

Мустақил
таълим

- Соҳага инновациялар киритиш учун мустақил изланиш ва ижод қилиш

Ижод

- Ўз вақтини режалаштириш, бошқариш ва ўз фаолиятини ташкил этиш.

Бошқариш



Баҳолаш

Синтез

Анализ

Қўллаш

Тушиниш

Билиш



БАҲОЛАШ ТАМОЙИЛЛАРИ

Қуйидаги бешта асосий тамойиллар баҳолаш тизими самарадорлигининг пойдевори ҳисобланади:

- **ўқув мақсадларига асосланганлик**
- **ҳақиқийлик**
- **ҳаққонийлик**
- **ишончлилиқ**
- **қулайлик**

Йўналишига кўра тестлар

- Психологик
- Педагогик
- Интеллект даражасини аниқлашга қаратилган тестлар
- Касбий лаёқатни аниқлашга қаратилган тестлар

Характерига кўра

- Адаптив
- Интегратив
- Мезонли
- Меъёрли

Тип ва шаклига кўра

- **Очиқ типдаги тестлар:** бир тўғри жавобли, юир неча тўғри жавобли, муттаносиблик, изчиллик.
- **Ёпиқ типдаги тестлар:** тўлдирувчи, давом эттирилувчи

Ижодий-изланувчан

Продуктив


Репродуктив

Оддитй

Билимни текшириш ва баҳолаш

таълим жараёнининг таркибий қисми бўлиб, у талабаларанинг ўқув фаолиятини дарсда, уйда оғзаки, ёзма ва амалий топшириқлар ёрдамида тизимли назорат йўли орқали амалга оширилади.

Текшириш ва баҳолаш ёрдамида билим, кўникма ва малакалар аниқланиб, улар назорат қилиш, таълимий, тарбиявий, ўзгартириш киритишли ва ахборотли вазифаларни бажаради.



**1. Ўқув жараёнида
билимни текшириш ва
баҳолашнинг ўрни ва
вазифаси**

Назорат қилишли вазифаси - талабаларни таълим босқичини ҳар бир босқичида ўзлаштирган билим, кўникма ва малакаларини аниқлаш ҳисобланади.

Таълимий ва таълим бериш вазифаси - талаба ўқитувчини саволига нафақат жавоб беради, балки топшириқ ҳам бажариб, ўртоқлари жавобларини мулоҳазалайди, ўзгартиришлар киритади.

Тарбиявий вазифаси - ўқув фаолиятини тизимли назорат қилишда текшириш ва баҳолаш намоён бўлиб, бу эса, талабаларни бажариладиган ишга маъсулиятини оширади, меҳнат қилишга, ўқитувчи томонидан берилган топшириқларни мустақил ечишга, ўзининг ўқув имкониятларини тўғри баҳолашга ўргатади.

- ❖ **Ўқув мақсадларига асосланганлик.** Самарали баҳолашнинг асосий тамойили ўқув мақсадларига асосланганлик ҳисобланади.
- ❖ **Ҳақиқийлик.** Ўқув мақсадида кўзда тутилган натижанигина баҳолашга қаратилган топшириқ ёки тест ҳақиқий ҳисобланади.
- ❖ **Ҳаққонийлик(объективлик).** Бир-биридан мустақил таълим берувчилар бир хил таълим олувчиларга берилган бир хил топшириқ ва тестлар бўйича бир хил баҳо берган ҳолдагина мазкур баҳолаш ҳаққоний ҳисобланади.
- ❖ **Ишончлилик.** Натижаларни баҳолаш мобайнида ҳар хил усуллардан фойдаланиш мумкин. Лекин бу усулларни танлашга қўйиладиган асосий шарт ишончлилик ҳисобланади.
- ❖ **Қулайлик.** Баҳолаш тизими ўқув мақсадларидан келиб чиққан ҳолда, ўқув ва ишлаб чиқариш стандартларига мос бўлиши, мураккаб бўлмаслиги, назорат ўтказувчи ва таълим олувчи учун қулай бўлиши лозим.

БАҲОЛАШ ШАКЛЛАРИ

Баҳолаш, унинг моҳиятидан келиб чиқиб, икки хил шаклда ўтказилиши мумкин:

1. **Мезонга асосланган баҳолаш**
2. **Меъёрга асосланган баҳолаш.**

Мезонга асосланган баҳолаш баҳоланувчининг таълим жараёнида қўлга киритган натижаларини, билим, кўникма ва малакаларини олдиндан белгиланган ўқув мақсадлари асосида ишлаб чиқилган, ҳамма учун умумий ва бир хил мезонларга кўра таққослаш ва ўлчашдан иборат бўлган баҳолаш шаклидир.

Меъёрга асосланган баҳолаш нисбий баҳолаш шакли бўлиб, баҳолашдан сўнг баҳоланувчиларнинг таълим жараёнида қўлга киритган натижаларини ўзаро таққослаш орқали ўлчашдан иборат.

Мезонга асосланган баҳолашнинг афзалликлари қуйидагилардан иборат:

- ✓ ўқув мақсадига мувофиқ баҳоланади;
- ✓ таълим олувчининг ўзлаштириш даражасини объектив баҳолайди;
- ✓ баҳолаш ўзининг аниқ кўрсаткичларига эга бўлади;
- ✓ таълим олувчи олган баҳосида йўл қўйган хатоларини яққол кўриб туради;
- ✓ баҳоланувчини таълим олишга йўналтиради;
- ✓ баҳоланувчиларнинг баҳоланаётган соҳадаги кучли ва кучсиз томонларини холисона аниқлаб беради, уларнинг ўз билими ва малакаларига бўлган ишончини оширади;
- ✓ ҳамма учун бир хил билим ва малака талабларини ўрнатади;
- ✓ таълим мазмунини аниқлаб беради;
- ✓ баҳоланувчиларнинг ўз фаолияти натижаларига бўлган масъулиятини оширади.

Мезонга асосланган баҳолашнинг камчиликлари эса қуйидагилардан иборат:

- ✓ мезонларни ишлаб чиқиш кўп вақт талаб қилади;
- ✓ мезонларнинг объективлиги, ҳаққонийлиги ва аниқлигини аниқлашга нисбатан талабларнинг кўплиги;
- ✓ ижтимоий фан йўналишлари бўйича мезонлар ишлаб чиқишда қийинчиликларга дуч келинади.

Меъёрга асосланган баҳолашнинг афзалликлари қуйидагилардан иборат:

- ✓ таълим берувчи ортиқча вақт сарфламайди;
- ✓ турли шарт-шароитга осон мослаштириш мумкин;
- ✓ баҳо бўйича кўрсаткичлар умумий тарзда олинади;
- ✓ муайян баҳоланувчилар гуруҳи ичида уларнинг ўзлаштириш даражасига қараб табақалаштириш имконини беради;
- ✓ баҳолаш натижасида гуруҳ ичидан маълум сондагиларини ажратиб олиш имконини беради (масалан, кириш имтиҳонлари натижасида бошқаларга нисбатан энг юқори кўрсаткич кўрсатган 25 кишини ажратиб олиш мумкин).

Меъёрга асосланган баҳолашнинг камчиликлари эса қуйидагилардан иборат:

- ✓ билимларни объектив ва ҳаққоний баҳолашнинг пасайишига имконият яратади.
- ✓ баҳолашда билим билан ҳулқни баҳолаш аралаштириб юборилади;
- ✓ баъзан ҳулқни баҳолаш билимни баҳолашни белгилаб қўяди;
- ✓ баҳолар таълим берувчи томонидан субъектив белгиланиши мумкин;
- ✓ таълим олувчига нисбатан симпатия ҳам баҳони юқори қўйиб юборишга олиб келади.

АДАБИЁТЛАР:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 октябрдаги ПФ-5847-сон билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепцияси”, 1-иловаси, 9- банди.
- 2 Ўзбекистон Республикаси Олий ва Ўрта Махсус Таълим Ваъзирининг 2020 йил 30 июндаги 357-сонли буйруғи, 1-иловаси.
- 3 2015 European Credit Transfer and Accumulation System (ECTS) User’s Guide, a Joint Project by the European Higher Education Area, the Bologna Process and European Commission in 2015.
- 4.Европа Кредитларни Кўчириш ва Жамғариб Бориш Тизими бўйича Фойдаланувчига Қўлланма (ECTS). Бу қўлланма ECTS кредит-модуль тизимининг тушунчалари, унинг ишлаш механизмлари бўйича асосий тамойилларини ўзида жамлаган расмий манбаа. 2015 йилда ишлаб чиқилган.
- 5.Исмоилова З.. Педагогикадан амалий машғулотлар. Т.: «Фан», 2003.
6. Мавлонова Р. ва бошқалар. Педагогика. Т.: «Ўқитувчи», 2001.
7. Хакимова М. Касб педагогикаси. Т.: ТДИУ. 2007.
8. Абдукудусов А. ва бошқ. Касбий педагогика.Т.: ЎМКҲТЎМОУҚТ.2009.
- 9.Исмаилова З. Педагогика.Дарслик.-Т.Молия,2010.
- 10.Исмаилова З. ва бошқ. Педагогика. Психология. Ўқув қўлланма.Т.Молия,2018.
11. European Commission ECTS Guide of 2009. Available at https://ec.europa.eu/education/ects/users-guide/docs/year-2009/ects-users-guide-2009_en.pdf

Мурожат учун: Тел:раб.71-237-45-30 Сот.90-921-00-61